Tadqiqot uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE

ТОШКЕНТ-2020

**ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST**
№SI (2020) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**
**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**
**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**
*Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**
*Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**
*тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори, профессор Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*профессор, Телавский государственный университет, Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**
*Тошкент давлат техника университети доценти, тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

**СЎЗ БОШИ**..........................................................................................5

**1.Кобзева О. П.**
ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ
БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ..........................................................................6

**2.Kebadze M., Lekaidze T.**
XX ASRNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO
ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.............................15

**3.Холиқова Р.Э.**
БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР
ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН......................................................................19

**4.Муҳитдинова Ф.А.**
СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ
ПОЙДЕВОРИ.........................................................................................27

**5.Ҳайдаров М.М.**
УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН
АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ
ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ............................................43

**6.Абраров С.А.**
ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....51

**7.Рахмонқулова З.**
XIX- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА
УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР
ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ...............................................................59

**8.Абдуллаев Ў.Ш.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.........................................67

**9.Абдурасулова Д.Т.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ................................72

**10.Абдурахманова Ж.Н.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА
ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).......79

**11.Азаматова Г.Б.**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ................................85

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

**12.Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D, S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA....................91

**13.Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА................99

**14.Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР....................110

**15.Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)........................117

**16.Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1946-1991 йиллар)....................124

**17.Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ............137

**18.Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ....................145

**19.Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)....................153

**20.Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ....................165

**21.Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIKLAR VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR)....................171

**22.Бегамова Н. Х.**
МЎҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.............183

**Рахмонқулова Зумрад,**
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон миллий университети
zumradrahmankulova@gmail.com

# XIX- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

***For citation:*** *Rakhmonkulova Zumrad. HISTORIOGRAPHY OF THE HISTORY OF THE RELATIONSHIP BETWEEN THE CENTRAL ASIAN KHANATES AND THE OTTOMAN EMPIRE IN THE XIX - EARLY XX CENTURIES . Look to the past. 2020, SI, pp. 59-66*

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-7**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи тарихшунослиги тадқиқ этилган. Шунинг, мақолада Россия ва Туркияда мавзуга доир тадқиқотлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Ўрта Осиё хонликлари, Усмонийлар давлати, Бухоро амирлиги, Усмонийлар султонлари, элчилик алоқалари, ёзишмалар, зиёлилар, ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар.

**Рахмонкулова Зумрад,**
кандидат исторических наук, доцент
Национальный Университет Узбекистана

# ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СРЕДНЕАЗИАТСКИМИ ХАНСТВАМИ И ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ В XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается история общественно-политических и культурных отношений между среднеазиатскими ханствами и Османской империей.

Также в статье приводятся соответствующие исследования, которые проводятся в России и Турции.

**Ключевые слова:** Среднеазиатские ханства, Османская империя, Бухарский эмират, Османские султаны, контакты, посольства, переписка, интелегенция, общественно-политические и культурные связи.

**Rakhmonkulova Zumrad,**
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor,
National University of Uzbekistan

# HISTORIOGRAPHY OF THE HISTORY OF THE RELATIONSHIP BETWEEN THE CENTRAL ASIAN KHANATES AND THE OTTOMAN EMPIRE IN THE XIX - EARLY XX CENTURIES

**ABSTRACT**

This article discusses the history of socio-political and cultural relations between the Central Asian khanates and the Ottoman Empire. The article also presents relevant studies conducted in Russia and Turkey.

**Index Terms:** Central Asian Khanates, Ottoman Empire, Bukhara Emirate, Ottoman sultans, contacts, embassies, correspondence, intelligentsia, socio-political and cultural ties.

Долзарблиги. Ўрта Осиё хонликлари билан Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўзоқ тарихга эга. Улар доимо бир-бирлари билан ўзвий алоқалар олиб бориб, тарих ришталарини мустаҳкамлаб турганлар. Айнан ана шу тарихий алоқаларни давлатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар доирасида атрофлича ўрганиш ва кенг оммага етказиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлган вақтданоқ, жащон щамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун интилди ва бугунги кунда кўпгина давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Дастлабки дипломатик алоқалар Туркия Жумщурияти билан ўрнатилди. Туркия катта хайрихоҳлик билан Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида расман тан олди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар тарихийлик, холислик тамойилларига таянган ҳолда таҳлил қилинади.

В.Гордлевский, И.Березин, В.Смирнов каби олимлар тадқиқотларида [1]. Усмонийлар давлатидаги фан ва маданий ҳаёт тарихи, хусусан, дин, бу давлатда яшаган халқлар адабиёти, тилшунослиги ва этнографияси масалалари асосий ўринни эгаллайди.

М.О.Гасратян, С.Орешкова, Ю.Петросян, Ф.Шабанов, А.Новичевларнинг илмий тадқиқотларида[2] Усмонийлар давлатидаги ислоҳотлар жумладан, суд соҳасидаги ислоҳотлар ёритилган.

XX аср бошларида ёзилган И.Голобородьконинг "Эски ва янги Туркия"[3] асарида Усмонийлар давлатидаги конститутциянинг қабул қилиниши, ислоҳотлар

жумладан, суд ислоҳотлари масалалари батафсил ёритилади. Муаллиф Танзимот фармонига тўлиқ амал қилинмагани ҳақида маълумот беради. И.Голобородько султон Абдумажиднинг вафотидан сўнг тахтга чиққан Абдулазиз(1861-1879) ислоҳотларни давом эттирмагани тўғрисида маълумот беради. Унинг ҳукмронлиги даврида адабиётга катта эътибор берилди. Бу даврда Шекспир, Мольер, Шиллерларнинг асарлари туркчага таржима қилинди.

В.Д.Смирнов, А.Крымский тадқиқотларида[4] турк адабиёти тарихига катта эътибор берилади. XIX аср ўрталарида А.Казимбек, И.Березин ислом тарихи ва мусулмон қуқуқини тадқиқ этди[5]. А.Мухлинский[6], тадқиқотларида замонавий Туркия унинг иқтисодий аҳволи, маданий ҳаёти, дин масалалари ўрганилди. Турк тарихини ўрганишда Рус география жамияти, Рус археология жамиятлари катта ҳисса қўшди. 1851 йилда Петербургда ташкил этилган Шарқшунослар жамияти Шарқ тарихини амалий ўрганиш билан ўз фаолиятини бошлади. Жамият "Ислом олами" номли журналини чиқара бошлаган. Журналда А.Шмидт, В.Гордлевскийнинг мақолалари эълон қилиб борилган. "Отечественние записки", "Русский вестник" журналларида Туркиядаги мусулмон ҳуқуқи, маданий ҳаётга оид илмий мақолалар эълон қилиб борилган. Уларда Усмонийлар султонлари Маҳмуд I (1808-1839), Абдумажид (1839-1861), Абдулазиз (1861-1876) ва бошқа давлат арбоблари фаолияти ёритилган.

В.Броневской, П.Свиньин, А.Краснокутский, Н.Ушаков, А.Дюгамель, Н.Муравьев, Г.Казбек, И.Стебниукий, М.Врончено каби собиқ ҳарбий офицерлар китобларида замонавий Туркия ҳақидаги кўплаб маълумотлар берилади. Уларнинг хотиралари, очеркларида Рус императорлик жамиятининг Кавказ бўлими томонидан доимий нашр қилиб борилган. Жумладан, "Военний сборник", "Русский архив" журналлари шулар жумласидандир.

XIX аср охири -XX аср бошларида рус муаллифлари тадқиқотлари Усмонийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт тарихини ёритишда катта аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатларга оид дастлабки маълумотлар А.Семёнов, И.Низомиддинов, М.Йўлдошевларнинг илмий изланишларида[7] акс этган. Жумладан, И.Низомиддинов XVII асрда Бухоро хонлиги билан Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар ва ўша даврда бу муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатган сиёсий воқеаларни ёритади. М.Йўлдошев эса Бухоро хони Субҳонқулихон (1681-1702) билан Усмонийлар султони Аҳмад II (1691-1695) ўртасидаги ёзишмалар ва элчилик алоқалари масалаларига тўхталиб ўтади.

Азамат Зиёнинг Мирзо Муҳаммад Салим қаламига мансуб "Силсилат ас-салотин" асарига бағишланган илмий мақолалари [8] XVI-XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги ва Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатларни ёритишда муҳим аҳамиятга эга. "Силсилат ас-салотин" асари Бухоро хонлари Абдуллахон II (1583-1598), Абдулмўминхон (1598-1599), Имомқулихон (1611-1642), Абдулазизхон (1645-1681), Субҳонқулихонларнинг (1681-1702) Усмонийлар султонлари билан ёзишмалари хусусида қимматли маълумотлар беради.

Энвер Хуршут илмий мақолаларида[9] Муҳаммад Ҳакимхоннинг "Мунтахаб ат-таворих" асари таҳлил қилинади. Муҳаммад Ҳакимхон ўз асарида Бухоро амирлиги ва қўқон хонлигининг XVIII-XIX асрлар тарихини ёритиш билан бирга, Усмонийлар давлатининг мазкур даврлардаги сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотларни баён этган.

Шунингдек, Қ.Муниров, Х. Ғуломов, Д.Валиева, Б.Маннонов ва Г.Остоновалар ўз тадқиқотларида [10]. Ўрта Осиё хонликлари билан Усмонийлар ўртасидаги сиёсий ва маданий муносабатларнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтганлар.

Қ.Муниров ўз ишларида Мунис ва Огаҳийларнинг "Гулшани давлат" ва "Риёз-уд-давла" асарларидаги маълумотларга асосланиб, Хива хонлигининг сиёсий ва маданий алоқаларини таҳлил қилади ҳамда Хива хони Муҳаммад Аминхоннинг (1845-1855) Усмонийлар давлатига юборган элчиси Шукрулло Оқа тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

Д.Валиева мақолаларида Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар(1800-1826) томонидан Усмонийлар давлатига юборилган Мирза Муҳаммадюсуф ва Муҳаммад Шарифларнинг элчилик фаолияти ёритилади.

Б.Маннонов эса ўз тадқиқотларида Бухоро амири Насрулло (1826-1860) ва Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845-1855) томонидан Усмонийлар давлатига юборилган элчилар тўғрисида тўхталиб ўтади.

Н.А.Халфин, А.Я.Соколов ва Ғ.Аҳмаджоновларнинг тадқиқотлари [11]. XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё масаласида Усмонийлар давлатининг Англия билан биргаликда чор Россиясига қарши олиб борган сиёсати масалаларига бағишланган.

Жумладан, Н.А.Халфин турли манбалардаги тарихий далилларни таҳлил қилган ҳолда, "Англия буржуазияси Усмонийлар давлатидан Россиянинг Ўрта Осиёдаги мавқеини пасайтириш учун фойдаланганлигини" кўрсатиб ўтади.

Л.М.Епифанова ўз тадқиқотида [12] XIX аср охирларида Бухоро амирлиги билан Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар тарихини маълум даражада ойдинлаштиришга хизмат қилувчи, Амир Музаффарнинг Усмонийлар султони Абдулазизга (1861-1876) ёзган мактубини тадқиқ қилади.

Р.Жалилованинг мақоласида [13] Ўрта Осиё хонликларининг Усмонийлар давлати билан олиб борган маданий алоқалари тарихига доир янги маълумотлар қайд этилган.

Е.К.Саркисян ўз тадқиқотида[14] Биринчи жаҳон уруши арафасида Усмонийлар давлатининг Кавказортидаги сиёсатини ўрганиб,Россия-Туркия урушларизамирида икки давлатнинг (чор Россияси ва Туркиянинг-З.Р.) Ўрта Осиё ва Кавказдаги сиёсий манфаатлари ётарди, деган хулосага келади.

А.Бобохўжаевнинг тадқиқотларида[15] Антанта давлатлари томонидан уюштирилган интервенция натижасида иқтисодий инқирозга юз тутган Туркияга Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари томонидан берилган моддий ва маънавий ёрдам масалалари ёритилган.

Д.Алимова ва Р.Абдуллаевларнинг Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши, таъсир доираси ва аҳамияти ёритилган тадқиқотларида ҳам мавзумизга доир айрим маълумотлар учрайди [16]. Хусусан, Д.Алимова ўз мақоласида Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатига Туркия ва Эрондаги инқилобларнинг таъсирини кўрсатиб ўтади.

Д.Раззоқов ва Х.Бекмуратовларнинг илмий тадқиқотлари [17] ҳам мазкур мавзуга қисман тегишлидир. Жумладан, Х.Бекмуратов Ўзбекистоннинг Туркия билан мустақиллик давридаги маданий ва иқтисодий ҳамкорлигини ёритишда бу алоқаларнинг тарихий илдизларини қисман тадқиқ этишга ҳаракат қилган.

Шунингдек, "Ўзбекистоннинг янги тарихи"нинг биринчи ва иккинчи жилдларида[18] Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий ва маданий муносабатлар масалаларига тўхталиб ўтилади. Булардан ташқари, мустақиллик даврида яратилган бир қатор тарихий нашрларда [19] ҳам диссертация

мавзусига дахлдор маълумотлар мавжуддир.

Биз ўрганаётган мавзу бир қатор адабиётшунос олимлар тадқиқотларида[20] ҳам қисман ўз аксини топган. Жумладан, Б.Қосимов икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқалар, ўтган аср бошларида вужудга келган "Ёш турклар" ҳаракатининг Ўрта Осиё зиёлилари фаолиятига таъсири, Туркистондаги қаршилик ҳаракати ва унда турк зиёлиларининг иштироки хусусида фикр юритадилар.

Хорижий давлатлар, жумладан, Туркиянинг ўзида ҳам Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлатининг сиёсий тарихи кўплаб тадқиқотларда[21] ўз аксини топган. Уларда, айниқса, XIX аср охири-XX аср бошларида Ўрта Осиёда вужудга келган сиёсий вазият, қаршилик ҳаракати тўғрисида кўплаб маълумотлар берилган.

Туркия тарихчилари М.Будак, А.Гундоғду, Б.Кутукўғли, Р.Килич, М.Сарай, У.Мерт асарларида[22] эса Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлатининг XVIII-XIX асрнинг ўрталаридаги элчилик муносабатларининг айрим масалалари ёритилган.

Меҳмет Сарай мазкур мавзуни архив манбалари, Ўрта Осиё ҳукмдорлари ва Усмонийлар султонларининг ёзишмалари ҳамда бошқа тарихий манбалар маълумотлари асосида ёритади. Меҳмет Сарай тадқиқотлари илмий-оммабоп услубда ёзилган бўлиб, Ўрта Осиёдаги сиёсий воқеалар ҳақида умумий тасаввур беради.

Шунингдек, турк олими Эрар Текин ва япон олими Я.Ямаухи тадқиқотларида[23] ўтган асрнинг бошларида Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият ва Анвар пошонинг ўлкадаги фаолиятига тўхталиб ўтилади.

2002-2003 йилларда Россияда чоп этилган М.Мейер, С.Орешкова, Е.Уразова ва М.Кривошеев каби олимлар тадқиқотларида[24] биз ўрганаётган мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган. Жумладан, Е.Уразова ўз тадқиқотида XX аср бошларида "Ёш турклар"нинг Ўрта Осиёдаги таъсир доираси тўғрисида тўхталиб ўтади.

М.Кривошеев эса "Россия и Средняя Азия" номли тадқиқотида XVII асрда Ўрта Осиё хонликлари ҳамда Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар масаласи чор Россиясининг диққат марказида бўлганлиги ҳақида ёзади.

Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи тарихшунослиги эса ҳозиргача тарихчилар назаридан четда қолиб келмокда. Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи тарихшунослигини тадқиқ этиш, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, бугунги кунга қадар чоп этилган мавжуд тадқиқотларни чуқур таҳлил этиб, Ўрта Осиё тарихининг ўрганилмаган жиҳатларини ёритиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон мустақил бўлгунга қадар Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар илмий тадқиқотларда кам ёритилган бўлиб, асосий эътибор Усмонийлар давлати (Туркия)нинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий ҳаёти тарихини ўрганишга қаратилган. Бу тадқиқотлар биз ўрганаётган мавзунинг айрим жиҳатларини ўз ичига олганлиги билан қимматлидир.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи тарихшунослиги эса ҳозиргача тарихчилар назаридан четда қолиб келмокда. Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи тарихшунослигини тадқиқ этиш, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, бугунги кунга қадар чоп

этилган мавжуд тадқиқотларни чуқур таҳлил этиб, Ўрта Осиё тарихининг ўрганилмаган жиҳатларини ёритиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон мустақил бўлгунга қадар Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар илмий тадқиқотларда кам ёритилган бўлиб, асосий эътибор Усмонийлар давлати (Туркия)нинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий ҳаёти тарихини ўрганишга қаратилган. Бу тадқиқотлар биз ўрганаётган мавзунинг айрим жиҳатларини ўз ичига олганлиги билан қимматлидир.

Юқоридаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, XVI-XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалар тарихи тарихшунослиги тарихчи олимлар томонидан махсус мавзу сифатида ўрганилмаган.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

[1] Gordlevsky V. State of the Seljukids of Asia Minor .- M.: Academy of Sciences of the USSR. 1941; him. Turkey. Selected Works. -M .: Science. 1968.T. 3-4; Berezin I. Ramadan in Istanbul // Russian Herald. 1856.T.1. Prince II; his own. The Muslim religion in relation to education // Domestic notes. 1855.T. 48. No. 1. S.1-40; Smirnov V. Kuchibey Gomyurdzhinsky and other Ottoman writers of the XVII century on the causes of the decline of Turkey. -SPb., 1873.

[2] Gasratyan M., Oreshkova S., Petrosyan Yu. Essays on the history of Turkey.-M.: Nauka. 1983; Shabanov F. The political system and the failing system of Turkey during the period of tanzimat.-Baku. 1967; Novichev A. The struggle for reformers and conservatives during the period of Tanzimat (1839-1853) // Turkic collection. 1973. -M.1975.

[3] Goloborodko I. Old and new Turkey. -M. 1908.

[4] Krymsky A. History of Turkey and literature from prosperity to the onset of decline. -M. 1910.

[5] Kazembek A. History of Islam // Russian Word 1869. No. 2. s151-152. Berezin I. Muslim decisions in relation to education \\ Domestic notes. 1855 T. 48. p. 1-40.

[6] Mukhlinsky A. Materials for the history of the faculty of oriental languages. -SPb. 1906

[7] Semenov A.On the history of di plomatic relations between Russiaand Bukharaat the beginning of the XIX century Izv. Uzbek Academy of Sciences. 1951. No. 1. p. 85-95; Nizomiddinov I. What the tourists wrote. -T .: Science. 1960; the same author. Central Asia's relations with the East. -T .: Science. 1961; the same author. Central Asian India relations in the sixteenth and eighteenth centuries. -T .: Science. 1966; Yuldashev M. On the History of Trade and Embassy Relations of Central Asia with Russia in the 16th-17th Centuries -T .: Fan. 1964.

[8] Ziyo A. History of Uzbek statehood. -T .: East. 2000; "Silsilat al-Salatin" on the political situation of the Bukhara Khanate in the middle of the 17th century // Social Sciences in Uzbekistan. 1989. No. 8. S.44-46; his own. "Silsilat al-Salatin" as a historical source // Social Sciences in Uzbekistan. 1990. No. 9. p.41-45.

[9] Khurshut E. "Muntahab at-tavarikh" as a source on the history of Central Asia and neighboring countries of the XYIII-XIX centuries // Social Sciences in Uzbekistan. 1984. Number 7. S.41-45; his own. "Muntahab at-tawarikh" and the history of its study // Social Sciences in Uzbekistan. 1985. No2. p.59-63;

[10] Munirov K. Munis, Ogajiy va Bayeining Tarihi asarlari. -T .: ЎзФА. 1960; Gulomov H.From the History of Diplomatic Relations between Russiaand the Bukhara Khanate of the 18th Century -T .: Fan.1992; Valieva D. Bukhara-Russian diplomatic relations in the first quarter of the 19th century // Oriental Studies. 1999. No. 9. B.119-132; Mannonov B. Historical roots of Uzbek embassy links // Oriental Studies. 1999. No. 9. B.101-119; the same author. Proceedings of the Turkestan Khanates with the Ottoman State // International congress on Learning Education in the Ottoman World. -Istanbul., 1996. pp. 92-94; Ostonova G. Archive of the neighborhood The main source of study of Bukhara history (19th-20th centuries) // Oriental Studies. 2002. No. 11. p.22-32.

[11] Halfin A. Politics of Russia in Central Asia. -M., 1960; his own. Sultan Turkey and English expansion in Central Asia (50-80gg. 19th century) // Transactions of SASU. 1957. Issue. XIV. Book 14. s 29-47; Sokolov A. English colonial policy in Afghanistan / / Transactions of SASU. Vol. XIV. Book 14. with 7-29; Ahmadjonov G. The Russian Empire is in Central Asia. -T., 2003; the same author. English Expansion in the Middle East and the Herat Question in 40-50 XIX century // Transactions of SAGU. 1960. Issue. 152. Book 33. p. 47-61.

[12] Epifanova. L.M. Handwritten sources on the history of Central Asia during its accession to Russia. -T .: Fan. 1965.

[13] Jalilova R. From the history of Central Asian and Turkish relations // Oriental Studies. 1991. No. 2. p.102-109.

[14] Sargsyan, E.K. The expansionist policy of the Ottoman Empire in Transcaucasia. -Yerevan.: AN. 1962.

[15] Babakhodjaev A.Kh. Central Asia and Turkey during the years of the liberation struggle of the Turkish people against the intervention of the Entente // Social Sciences in Uzbekistan. 1961. No. 12. p.20-29.

[16] Alimova D. Socio-political essence of Jadid movement and Jadids' thinking. Struggle: Reform, renewal, independence and the struggle for development. -T .: University. 1999. p. 35-53; Abdullaev R. Integration processes in the Muslim world and Turkestan jadids. Jadids: Reform, renewal, independence and the struggle for development. -T .: University. 1999. p. 69-89.

[17] Razzokov D. Foreign trade relations of the Bukhara khanate. (60-90s of the 19th century): Candidate of historical sciences dis ... autoref. -T., 1994; Bekmuratov H. Economic and Cultural Cooperation of Uzbekistan with Turkey (1991-2000). Candidate of Historical Sciences Dis ... autor.-Tashkent., 2001; From the History of Uzbekistan's Economic Relations with Turkey // Social Sciences in Uzbekistan. 1999. No. 1-2. B.56-59.

[18] The modern history of Uzbekistan. During the colonization of Turkestan Tsarist Russia. I Book / H.Sadykov, R.Shamsutdinov, P.Ravshanov, K.Usmanov. -T .: East. 2000; The modern history of Uzbekistan. Uzbekistan during the Soviet colonial era. Book II / M. Juraev, R. Nurullin, S. Kamolov. and b. -T .: East. 2000

[19] Ziyayev H. Fight against Russian aggression and rule in Turkestan. -T .: East.1998; History of Uzbekistan: State and Social Development / A.Sagdullaev, B.Aminov, U.Mavlonov and others. -T .: Academy. 2000; Holboev S. Historical roots and formation of the National University. -T .: East. 2003; Hayit N., Osman T. Years of Wrestling. -T .: Labor. 1992. Kasymov B. Counselors. -T .: East. 1994

[20] Sumer F. The birth of the Anatolian Turks in the establishment and development of the Sumer F. Safovi State. -Ankara., 1976; Uzuncarsili I. Ottoman History. -Ankara., 1980; Documents belonging to C. Osmanli History of Orhon. -Istanbul., 1970; Kurat

A.N. Golden army. Slots and planks of Kirim and Turkistan Khanates. -Ankara., 1940; Ilgar I. The minutes of the first Muslim congress in Russia. -Ankara., 1990; Komatsu H. Turkism and revolutionary movements in Central Asia in the early 20th century. -Ankara., 1992; State Turkishness N. Earth in the research and Turkey. -Istanbul., 1987; Suavi A. Hive Khanate and Russian spread in Turkistan. -Ankara., 1989.

[21] Budak M. The beginning of Osmanli-Ozbek relations // Eurasia etyudlari. 1995. №4. S.79-85; Gundogdu A. Ottoman-Iran rivalry in Turkistan. Ottoman Encyclopedia. -Ankara., P. 581-587. 2000; Kutukoglu B. Osmanli-Iran political relations (1578-1590). -Istanbul., 1960; Kilic R. Osmanli-Ozbek political relations (1530-1555) // Turk Kulturu. Number 437. 1999. September. S.523-534; Saray M. Ozbek Turkleri History. -Istanbul., 1993; Saray M. Political relations between Ottoman Empire and Turkestan khanates in Russian occupation period (1775-1875). -Ankara., 1994; Mert O. Bukhara Emirate Ambassador Muhemmed Parsa Efendi's activities in Istanbul. (1867-1869). -Ankara., 1976.

[22] Tekin E. Enver Pasa's salvation war in Turkistan. -Istanbul., 1971; Yamauchi Y. The man who was not Hosnut-Enver Pasha. -Istanbul., 1995.

[23] Meyer M. Russia and the Ottoman Empire from the beginning of the 16th century until 1569. Collection of articles in honor of the 100th anniversary of Professor A.F. Miller. From Istanbul to Moscow. -M.: Ant. 2003.S. 91-117; Oreshkova S. Ottoman Empire at the turn of the 17th-18th centuries: the last surge of medieval grandeur. Sat articles. From Istanbul to Moscow. -M.: Ant. 2003.S. 117-145; Urazova E. The fate of the Ottoman debt (Turkish finance during the First World War). Sat articles. From Istanbul to Moscow. -M.: Ant. 2003.S. 171-181; Krivosheev M. Russia and Central Asia. Russia and the East. -SPb .: Lexicon. 2002. p. 190-288.

ISSN 2181-9599
Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

# LOOK TO THE PAST

## МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000